

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Топилдиев Бахромжон Рахимжонович

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи шўъбаси профессори, ю.ф.д., проф.

Аннотация

Мазкур мақолада ижтимоий давлат концепциясининг назарий-ҳуқуқий моҳияти, унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда камбағалликни қисқартиришдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Ижтимоий давлат инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, ижтимоий адолатни таъминлаш, тенг имкониятлар яратиш ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатчилик модели сифатида кўриб чиқилади. Мақолада камбағалликни қисқартиришнинг ҳуқуқий механизмлари, жумладан, ижтимоий таъминот, манзилли ижтимоий ёрдам, меҳнатга лаёқатли аҳолини бандликка жалб этиш, даромадларни адолатли қайта тақсимлаш ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш масалалари ёритилади. Шунингдек, ижтимоий давлатни шакллантиришда давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро масъулият, ижтимоий ҳамкорлик ва ҳуқуқий кафолатларнинг ўрни асослаб берилади.

Калит сўзлар: ижтимоий давлат, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий адолат, муносиб ҳаёт, ижтимоий ҳимоя, фуқаролик жамияти, ижтимоий таъминот, ҳуқуқий механизмлар, манзилли ёрдам, тенг имкониятлар.

Аннотация

В данной статье анализируются теоретико-правовая сущность концепции социального государства, её конституционно-правовые основы, а также значение данной модели в сокращении бедности. Социальное государство рассматривается как форма государственности, направленная на обеспечение достойной жизни человека, реализацию принципа социальной справедливости, создание равных возможностей и поддержку социально уязвимых слоёв населения. В статье раскрываются правовые механизмы сокращения бедности, включая социальное обеспечение, адресную социальную помощь, вовлечение трудоспособного населения в занятость, справедливое перераспределение доходов и усиление участия институтов гражданского общества. Особое внимание уделяется роли взаимной ответственности государства, общества и личности, социального партнёрства и правовых гарантий в процессе формирования социального государства.

Ключевые слова: социальное государство, сокращение бедности, социальная справедливость, достойная жизнь, социальная защита, гражданское общество, социальное обеспечение, правовые механизмы, адресная помощь, равные возможности.

Abstract

This article analyzes the theoretical and legal essence of the concept of the social state, its constitutional and legal foundations, as well as the significance of this model in reducing poverty. The social state is considered as a model of statehood aimed at ensuring a decent standard of living, implementing the

principle of social justice, creating equal opportunities, and supporting socially vulnerable groups of the population. The article examines the legal mechanisms for poverty reduction, including social security, targeted social assistance, employment of the able-bodied population, fair redistribution of income, and strengthening the participation of civil society institutions. Special attention is paid to the role of mutual responsibility of the state, society and the individual, social partnership, and legal guarantees in the formation of a social state.

Keywords: social state, poverty reduction, social justice, decent standard of living, social protection, civil society, social security, legal mechanisms, targeted assistance, equal opportunities.

Камбағалликни қисқартириш ва ҳар бир инсонга муносиб ҳаётни таъминлаш конституциявий ривожланишнинг инсонпарварлик асосларининг ажралмас қисми ҳамда “ижтимоий давлат” моделининг энг муҳим элементлари ҳисобланади. Мамлакатимизда ижтимоий давлатни барпо этиш истиқболларини халқаро-ҳуқуқий стандартлар даражасида англаш нафақат мамлакат иқтисодиёти инқироз ҳолатидан чиқиш шароитида кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мақсадлари, принциплари ва имкониятларини белгилашни, балки ижтимоий давлатни ҳуқуқий давлатнинг янада юқори босқичи сифатида шакллантиришнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини ҳам кўриб чиқишни талаб этади.

Сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимнинг ижтимоий йўналтирилганлиги бозор муносабатларининг ривожланиши, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг маъмурий ва суд қафолатлари кучайиши, постиндустриал ахборот жамияти қадриятларининг мустаҳкамланиши орқали таъминланади. Шу билан бирга, бу жараён, энг аввало, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар тизимида шахснинг ўрни ва ролини тубдан ўзгартириш билан бевосита боғлиқдир.

Цивилизацион тараққиётнинг инсонпарварлик моҳиятини белгилайдиган асосий омиллардан бири камбағалликка қарши курашиш ва ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ҳисобланади. Бу икки йўналиш “ижтимоий давлат” концепциясининг муҳим таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади. Ижтимоий давлат ғояси фалсафа, социология, сиёсатшунослик ва иқтисодий назария доирасида анча узоқ давр мобайнида назарий жиҳатдан шаклланиб келган бўлса-да, ҳуқуқшунос олимлар ва юридик ҳамжамият вакилларининг мазкур жараёндаги фаол иштироки асосан XX асрда кучайди. Чунки айнан шу даврда ижтимоий давлат тўғрисидаги ғоялар фақат назарий баҳс-мунозаралар доирасида қолиб кетмасдан, балки қонунчиликда, давлат бошқарувида ва сиёсий-ҳуқуқий амалиётда амалий ифодасини топа бошлади.

Хусусан, Европанинг бир қатор мамлакатларида, аввало Скандинавия давлатлари, Швейцария, Германия, Нидерландияда, шунингдек Австралия, Янги Зеландия, АҚШ, Сингапур, Япония ва бошқа айрим давлатларда ижтимоий давлат тамойиллари қонунчилик ва давлат сиёсати даражасида мустаҳкамлана бошлади¹. Бу ҳолат ижтимоий давлатни оддий сиёсий шиор эмас, балки инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат, иқтисодий имкониятлар тенглиги ва фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришига қаратилган мураккаб ҳуқуқий-сиёсий модель сифатида англаш заруратини юзага келтирди.

¹ Legatum Institute. URL: <http://www.prosperity.com/ranking>

Ўзбекистонда ижтимоий давлатни шакллантириш истиқболларини халқаро-ҳуқуқий стандартлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, фақатгина иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб бораётган шароитда кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мақсадлари, принциплари ва имкониятларини белгилаш билан чекланмайди. Бундай ёндашув, шунингдек, ижтимоий давлатни ҳуқуқий давлатнинг янада юқори босқичи сифатида шакллантиришга хизмат қилувчи иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни ҳам чуқур ўрганишни талаб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсади” белгиланган.

Бу ерда гап ижтимоий давлат тамойилларини хорижий давлатлар конституцияларидан шунчаки кўчириб олиш ёки аввалги ҳолатдаги талаблар мазмунини юмшатишга қаратилган мавҳум ва етиб бўлмас идеални шакллантириш ҳақида бораётгани йўқ. Масала анча жиддийроқ: давлатнинг ижтимоийлиги унинг конституциявий матнида эълон қилинган нормалар билан эмас, балки аҳолининг реал турмуш даражаси, ижтимоий ҳимоя механизмларининг самарадорлиги ва фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириш имконияти билан баҳоланади.

Ўзбекистонда 2025 йилда 5 миллион аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Камбағал оилаларга мансуб 168 минг нафар бола давлат боғчаларига имтиёзли асосда қабул қилинди. Бу йилдан бошлаб, 208 та боғчада биринчи марта инклюзив таълим тизимини жорий этдилди. Таъкидлаш керакки, юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди. Авваллари аҳолининг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйилгани ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берилгани натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди².

Сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимнинг ижтимоий йўналтирилганлиги бир қатор омиллар орқали шаклланади. Бунда бозор муносабатларининг ривожланиши, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини маъмурий ва суд тартибида ҳимоя қилиш кафолатларининг кучайиши, постиндустриал давлат кадриятларининг жамият ҳаётига сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларда шахснинг ўрни ва ролини тубдан қайта кўриб чиқиш ижтимоий давлатни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин шахслар ҳамжамияти сифатида намоён бўлади. Бундай жамиятда инсонлар реал таъминланган умумдемократик ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуига эга бўлади ҳамда ушбу ҳуқуқлар уларга муносиб турмуш даражасига эришиш имконини беради. Шу боис ижтимоий давлат фақат давлат органлари фаолияти билан эмас, балки фуқаролик жамияти институтларининг етуклиги, аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш қобилияти билан ҳам бевосита боғлиқдир.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

Фуқаролик жамияти ижтимоий-иқтисодий соҳадаги кескин табақаланишни юмшатишга, аҳоли ўртасида ҳаддан ташқари истеъмолчилик кайфиятининг кучайишига қарши туришга, камбағалликнинг ўсиши оқибатларини камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, у долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда аҳолининг фуқаролик масъулиятини оширади. Демак, ижтимоий давлатни барпо этиш фақат бюджет маблағларини тақсимлаш ёки ижтимоий нафақалар бериш билан чекланмайди; у давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни адолат, масъулият, ҳуқуқий кафолат ва инсон қадрини таъминлаш тамойиллари асосида қайта ташкил этишни талаб қилади.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро “диалектик бирлик” ҳолатида мавжуд бўлиб, ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида бир-бирига қарама-қарши, шу билан бирга ўзаро таъсир қилувчи кучлар сифатида намоён бўлади. Ижтимоий давлат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга ўтиши фақат давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий ва демократик асосларда ташкил этилиши билангина таъминланмайди. Бу жараён давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ижтимоий дастурларнинг устувор аҳамиятини англашни, шу билан бирга фуқаролик жамияти институтларига таянишни ҳам талаб қилади.

Ижтимоий сиёсатни янгилаш, ҳатто у юқоридан қараганда қанчалик илғор ва истиқболли кўринмасин, жамиятнинг қуйи қатламлари, яъни фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланмаса, кутилган натижани бермайди. Ўзбекистон тажрибаси ҳам шундан далолат берадики, аҳолининг реал иштироки ва ижтимоий қўллаб-қувватловисиз давлат ижтимоий сиёсатини модернизация қилиш муваффақиятсизликка учраши мумкин. Шу сабабли ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотларнинг ижтимоий таянчини кенгайтириш, уларнинг қонунийлиги, жамият томонидан қабул қилиниши ва амалий эҳтиёжларга мос келишини таъминлаш бир қатор омилларга боғлиқ.

Аввало, фуқаролар давлат ижтимоий сиёсатидаги ўзгаришлар уларнинг фаровонлиги ва ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигига қандай таъсир кўрсатаётганини субъектив равишда баҳолайди. Бунда демографик хавфсизлик, озиқ-овқат таъминоти, соғлиқни сақлаш хавфсизлиги ва бошқа муҳим соҳалар ҳам аҳамият касб этади. Агар ислохотлар аҳоли томонидан ўз турмуш даражасини яхшилашга хизмат қиладиган чора сифатида қабул қилинса, уларнинг ижтимоий самарадорлиги ортади.

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий соҳада давлатнинг тартибга солувчи фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларининг мавжудлиги муҳимдир. Фуқаролик жамияти давлат қарорларининг шаффофлиги, адолатлилиги ва ижтимоий манфаатларга мувофиқлигини кузатиб бориш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундай назорат давлат сиёсатининг жамият эҳтиёжларидан узилиб қолмаслигига хизмат қилади.

Учинчидан, фуқаролар фаровонлик даражаси, камбағаллик чегараси, умуммиллий ресурслар ва даромадларни қайта тақсимлаш мезонларини баҳолаш бўйича таклиф этилаётган усулларни қабул қилиши зарур. Агар мазкур мезонлар аҳоли томонидан адолатсиз ёки ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайдиган деб баҳоланса, ижтимоий табақаланиш кучайиши ва сиёсий тизим барқарорлигига таҳдидлар юзага келиши мумкин. Шу боис камбағалликни ўлчаш, даромадларни баҳолаш ва ижтимоий ёрдамни тақсимлаш усуллари фуқаролар учун тушунарли ва ишончли бўлиши керак.

Тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар давомида қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва амалга ошириладиган институционал ўзгаришлар ижтимоий адолат тамойилига мувофиқ деб эътироф этилиши лозим. Қонунчиликда белгиланган чоралар формал жиҳатдан тўғри бўлиши билан бирга, улар жамиятда адолатли, мутаносиб ва инсон манфаатларига йўналтирилган сиёсат сифатида қабул қилиниши ҳам муҳимдир.

Бешинчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари ва мақсадларига нисбатан ишонч даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Кам таъминланган, ёлғиз яшовчи фуқаролар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлиги аҳоли томонидан давлатга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Аксинча, ижтимоий ёрдамнинг манзилли эмаслиги ёки самарасизлиги фуқароларда норозилик кайфиятини кучайтириши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган омиллар ва улар билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлар фуқароларнинг бозор иқтисодиётига мослашиш жараёни тезлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, улар аҳолининг асосий қисми томонидан бозор муносабатларига нисбатан салбий муносабат шаклланишининг олдини олади. Чунки иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёни, одатда, моддий бойликларни тақсимлаш тизимида жиддий номуносабатликларни, ижтимоий ва мулкӣ табақаланишни келтириб чиқаради.

Бундай шароитда демократик давлатнинг асосий вазифаларидан бири ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашдан иборат бўлади. Бу вазифа шахсий, жамоавий ва давлат манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш, уларни сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан уйғунлаштириш орқали амалга оширилади. Давлат жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар манфаатлари ўртасида мувозанат ўрнатишга интилар экан, фуқаролик жамияти билан доимий ижтимоий мулоқот олиб бориши зарур.

Айнан шу мақсадда ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти билан ижтимоий диалогга киришади, муайян ижтимоий келишув ва мurosаларга боради. Натижада у фақат қонун устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий давлат сифатида эмас, балки инсоннинг муносиб ҳаёти, ижтимоий ҳимояси ва адолатли тақсимотини таъминлашга қаратилган ижтимоий давлат сифатида ҳам шаклланади. Шу маънода Л.Н. Кочеткованинг “давлат ўзини сақлаб қолишдан қанчалик манфаатдор бўлса, ижтимоий давлатга айланишдан ҳам шунчалик манфаатдордир”³. деган фикри асосли ҳисобланади.

Демак, ижтимоий давлатни барпо этиш фақат юқоридан белгиланадиган давлат сиёсати ёки ҳуқуқий нормалар мажмуи билан чекланмайди. У давлат ҳокимияти, фуқаролик жамияти ва шахс ўртасида ўзаро ишонч, ижтимоий масъулият, ҳуқуқий адолат ва манфаатлар мувозанатида асосланган барқарор ҳамкорликни талаб қилади. Камбағалликни қисқартириш, ижтимоий тенгсизликни юмшатиш ва муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш эса ана шу ҳамкорликнинг энг муҳим амалий натижаларидан бири сифатида намоён бўлади.

Бойлар ва камбағаллар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутни камайтириш, муҳтож ва кам таъминланган фуқароларнинг аҳволини яхшилаш учун иқтисодий ислохотлар фуқаролик жамияти томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий йўналтирилган ислохотлар фақат давлат ташаббуси билан эмас, балки жамиятнинг фаол

³ Кочеткова Л.Н. Социальное государство: европейская теория и российская практика // Власть. – 2008. – № 4. – С. 39–43.

иштироки, фуқароларнинг масъулияти ва ижтимоий бирдамлиги орқали самарали натижа беради.

Ижтимоий давлатларда амалга ошириладиган иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва институционал ислохотларнинг марказида алоҳида инсоннинг турмуш даражасини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсади туради. Зеро, инсон жамиятдаги асосий эҳтиёжлар эгаси, ижтимоий сиёсатнинг бош манзили ва ҳуқуқий ҳимоянинг асосий субъекти ҳисобланади. Шу боис ижтимоий давлат учун ислохотларнинг ҳақиқий самараси макроиқтисодий кўрсаткичлар билангина эмас, балки ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан баҳоланади.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сиёсий муносабатларда юз бераётган глобал ўзгаришлар давлат ижтимоий сиёсатини шакллантиришда патерналистик ёндашувдан воз кечиш зарурлигини кўрсатмоқда. Патерналистик ёндашувда давлат фуқарони асосан ёрдам олувчи пассив субъект сифатида кўради, унинг мустақиллиги, ташаббускорлиги ва ижтимоий фаоллиги етарлича ҳисобга олинмайди. Бундай ёндашув демократик давлатнинг инсонпарварлик моҳиятига, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган замонавий ижтимоий сиёсат талабларига тўлиқ мос келмайди.

Ижтимоий давлатнинг ҳақиқий бойлиги унинг табиий ресурслари ёки иқтисодий қуввати билангина эмас, балки инсон учун яратилган моддий турмуш шароитларининг сифати билан белгиланади. Шу билан бирга, шахснинг иқтисодий соҳада эркинлашуви, ўз меҳнати, қобилияти ва ташаббуси орқали муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлиши ҳам ижтимоий давлатнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Бундай давлат инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлашга қодир бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий механизмларни шакллантириши лозим.

Албатта, ижтимоий давлат шароитида хайрия, волонтерлик, кўнгиллилик ва беғараз ёрдамнинг бошқа шакллари жамият ҳаётининг одатий ва табиий қисмига айланади. Улар кам таъминланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, ишсизларни ижтимоий мослаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ҳамда жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари сабабли ўзини мустақил таъминлай олмайдиган шахсларга ёрдам кўрсатишда қўшимча ижтимоий ҳимоя механизмлари сифатида намоён бўлади.

Шу маънода, фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва ижтимоий ислохотлардаги иштироки фақат қўшимча омил эмас, балки ижтимоий давлатни шакллантиришнинг зарур шarti ҳисобланади. Жамиятда бирдамлик, ўзаро ёрдам, ижтимоий масъулият ва фаол фуқаролик позицияси қанчалик кучли бўлса, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий тенгсизликни юмшатиш ва ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш имконияти шунчалик ортади⁴.

Ижтимоий давлатнинг шаклланиш хусусиятларини белгилаб берувчи омиллар турли-туман бўлиб, улар ижтимоий адолат, тенглик ва эркинлик тамойиллари ўртасидаги нисбатни қандай белгилаш масаласига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Юқорида қайд этилган омиллар билан бир қаторда, сиёсий режимдаги фарқлар, маданий муҳит, жамият менталитети, миллий анъаналар, тарихий тараққиёт йўли, халқаро вазиятнинг ўзига хослиги каби ҳолатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли турли давлатларда ижтимоий давлат ғояси бир хил

⁴ Журавлев В.И. Теория и практика благотворительной деятельности: монография. – Владимир: Шерлок-пресс, 2016. – 94 с.

мазмунда эмас, балки ҳар бир мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий, маданий ва иқтисодий шароитларига мос ҳолда шаклланган.

Масалан, англо-саксон қадриятлари устувор бўлган мамлакатларда “фаровонлик давлати” – Welfare Stateнинг либерал модели қарор топган. Ушбу модель фақат Буюк Британия ва унинг собиқ мустамлакалари асосида шаклланган Ҳамдўстлик давлатларидагина эмас, балки англо-саксон ҳуқуқий ва сиёсий маданияти таъсири кучли бўлган бошқа мамлакатларда ҳам тарқалган. Либерал ёндашувда давлатнинг ижтимоий соҳадаги иштироки муайян даражада чекланган бўлиб, асосий эътибор бозор механизмлари, шахсий ташаббус, хусусий мулк ва индивидуал масъулиятга қаратилади. Бироқ бу модель ҳам аҳолининг энг муҳтож қатламларига минимал ижтимоий ёрдам кўрсатиш заруратини инкор этмайди.

Социал-демократия анъаналари ярим асрдан ортиқ вақт давомида мустақамланган мамлакатларда эса ижтимоий давлатнинг социал-демократик модели шаклланган. Швеция бу моделнинг ёрқин мисоли сифатида кўрсатилади. Бундай ёндашувда давлат ижтимоий тенгликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламлари учун сифатли таълим, тиббий хизмат, пенсия таъминоти ва бошқа ижтимоий кафолатларни кенг миқёсда амалга оширишда фаол иштирок этади. Социал-демократик модель даромадларни қайта тақсимлаш, солиқ тизими орқали ижтимоий фарқларни камайтириш ва жамиятда юқори даражадаги ижтимоий ҳимояни таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Эркинлик ва ижтимоий адолат тамойиллари ўртасида муайян муросага эришиш натижасида ижтимоий давлатнинг консерватив модели юзага келган. Германия тажрибаси ушбу моделга мисол бўла олади. Консерватив моделда давлат ижтимоий ҳимояни таъминлашда муҳим ўрин тутса-да, оила, касбий уюшмалар, меҳнат бозори институтлари ва анъанавий ижтимоий тузилмалар ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ерда ижтимоий кафолатлар кўпинча шахснинг меҳнат фаолияти, касбий мақоми ва ижтимоий суғурта тизими билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади⁵.

Европа Иттифоқи мамлакатларига иммигрантлар оқимининг кучайиши шароитида ижтимоий давлатнинг яна бир ўзига хос кўриниши ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин. Айрим тадқиқотларда бу ҳолат “ультрамиллатчилик” ёки “ультранационалистик” модель сифатида тавсифланади. Унинг моҳияти шундаки, давлат маҳаллий аҳоли учун мавжуд бўлган барқарор ижтимоий таъминот тизимини сақлаб қолиш мақсадида иммигрантларнинг тенг ижтимоий неъматлардан фойдаланиш бўйича даъволарини чеклашга интилади. Бундай ёндашув, албатта, инсон ҳуқуқлари, тенглик ва ижтимоий адолат нуқтаи назаридан баҳсли хусусиятга эга бўлиб, замонавий ижтимоий давлат олдидаги мураккаб муаммолардан бирини акс эттиради.

Ижтимоий давлат тамойилларини амалий ҳаётга татбиқ этиш шакллари турлича бўлишига қарамай, юқорида қайд этилган моделларнинг барчасини бирлаштириб турадиган умумий жиҳат мавжуд. Уларнинг асосий моҳияти фуқаролар учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида ҳал этишдан иборатдир. Демак, ижтимоий давлатнинг қайси модели танланишидан қатъи назар, унинг марказида инсон, унинг эҳтиёжлари, ижтимоий хавфсизлиги ва муносиб ҳаёт кечириш имконияти туради.

⁵ Новикова В.В., Фомин А.А. Социальная помощь как объект правового регулирования: общетеоретический и отраслевой аспекты // Ленингр. юрид. журн. – 2014. – № 4 (38). – С. 229–235.

Ривожланган ижтимоий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш орқали ижтимоий давлатни шакллантириш жараёни учун зарур бўлган бир қатор муҳим шартларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, солиқ ва инвестиция механизмлари орқали “ўрта синф” деб аталувчи ижтимоий қатламни изчил равишда кенгайтириш ва унинг турмуш даражасини ошириш муҳимдир. Ўрта синфнинг мустақамланиши жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминлайди, ижтимоий кескинликни камайтиради ва демократик институтларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Иккинчидан, аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги мулкӣ табақаланишни қисқартириш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Даромадлар ва мулк тақсимоидаги ҳаддан ташқари номутаносибликлар жамиятда норозилик, ижтимоий ишончсизлик ва сиёсий беқарорликни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли давлат солиқ сиёсати, ижтимоий тўловлар, субсидиялар ва бошқа қайта тақсимлаш механизмлари орқали ижтимоий мувозанатни сақлашга ҳаракат қилади.

Учинчидан, давлат томонидан бериладиган ижтимоий-иқтисодий кафолатларни кенгайтириш зарур. Бундай кафолатлар таълим ва тиббий ёрдам соҳасидаги имкониятларни ошириш, пенсия таъминотини такомиллаштириш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ижара асосида уй-жой бериш, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ишсизлар ва бошқа эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Ижтимоий нафақалар ва ёрдам турларининг кенгайтириши аҳолининг заиф қатламлари учун минимал турмуш кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, давлатнинг даромадларни қайта тақсимлашдаги роли кучайтирилиши лозим. Бу нафақат камбағалликни қисқартириш, балки иқтисодий ўсиш натижаларидан жамиятнинг кенг қатламлари баҳраманд бўлишини таъминлаш учун ҳам муҳимдир. Адолатли қайта тақсимлаш механизмлари орқали ижтимоий давлат иқтисодий самарадорлик билан ижтимоий адолат ўртасидаги мувозанатни сақлашга интилади.

Бешинчидан, ишсизликка қарши курашиш ижтимоий давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, касбий қайта тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш чоралари инсоннинг иқтисодий мустақиллиги ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шартдир. Олтинчидан, илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш ва иқтисодиётга инновацион технологияларни жорий этиш ҳам ижтимоий давлатнинг узоқ муддатли ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Инновациялар меҳнат унумдорлигини оширади, янги иқтисодий имкониятлар яратади ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурс базасини кенгайтиради.

Еттинчидан, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий боғлиқликни кучайтириш ҳам ижтимоий давлат курилишининг муҳим шартдир. Чунки инфратузилманинг ривожланганлиги аҳолининг таълим, тиббиёт, меҳнат бозори ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Шу боис ижтимоий давлатни шакллантириш нафақат ҳуқуқий ва сиёсий ислохотларни, балки иқтисодий, технологик ва инфратузилмавий тараққиётни ҳам ўз ичига олган комплекс жараён сифатида қаралиши лозим.

Шу билан бирга, давлатнинг бошқарув шакли, миллий-давлат тузилиши ёки маъмурий-худудий ташкил этилиши каби сиёсий-ҳуқуқий белгилари ижтимоий давлатни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Масалан, Швеция ва Дания монархия шаклидаги давлатлар ҳисобланади; АҚШ классик президентлик бошқарув шакли ва федератив тузилишга эга республикадир; Германия парламент федератив республикаси сифатида шаклланган; Франция эса аралаш парламент-президентлик тизимига эга унитар республикадир. Демак, давлатнинг ташқи ташкилий шакли эмас, балки ундаги сиёсий режимнинг адолатлиги, демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг эълон қилиниши ҳамда реал кафолатлиниши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлиги ижтимоий давлатнинг вужудга келиши учун асосий шарт ҳисобланади⁶.

Ҳақиқий ижтимоий давлат фақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кенг эътироф этилган, уларни амалга ошириш учун самарали ҳуқуқий кафолатлар яратилган, давлат ҳокимияти жамият олдида масъул бўлган ва фуқаролар давлат бошқаруви жараёнларида фаол иштирок эта оладиган шароитдагина шаклланади. Шу боис ижтимоий давлат ғояси демократик давлатчилик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтлари билан узвий боғлиқдир.

Шундай қилиб, ижтимоий давлат мафқурасининг асосий мазмуни моддий ва маънавий неъматларни ижтимоий адолат тамойили асосида тақсимлаш ва қайта тақсимлашдан иборат. Бундай тақсимотнинг пировард мақсади ҳар бир инсон учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, кам таъминланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва камбағалликни бартараф этишдан иборатдир. Ижтимоий давлат фақат иқтисодий имкониятларни яратиш билан чекланмайди, балки жамиятда ижтимоий ҳимоя, тенг имкониятлар ва инсон қадрини таъминлашга қаратилган барқарор ҳуқуқий механизмларни ҳам шакллантиради.

Ижтимоий давлатнинг демократик моҳияти ҳар бир инсоннинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат зиммасига юклатилган оммавий-ҳуқуқий мажбурият билан белгиланади. Шу билан бирга, мазкур мажбурият фақат алоҳида шахс манфаатлари билан чекланиб қолмай, балки бутун жамият фаровонлигини таъминлашга ҳам қаратилган бўлади. Демак, ижтимоий давлатда инсон манфаати, ижтимоий адолат ва умумжамият фаровонлиги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида намоён бўлади.

⁶ Фомин А.А. Экономические и политико-правовые факторы формирования социального государства и преодоления бедности // <file:///C:/Users/99897/Downloads/ekonomicheskie-i-politiko-pravovye-factory-formirovaniya-sotsialnogo-gosudarstva-i-preodoleniya-bednosti.pdf>